

**ПЕДАГОГИК ВА
ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР**

ЯНВАРЬ, 2023

1-СОН



**PEDAGOGICAL AND
PSYCHOLOGICAL STUDIES**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, I-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-1

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-1>

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Юсупова Х. И. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Педагогика фанлари

НИЁЗОВ Муҳаммад Бахронович
НИЁЗОВА Гулноза Бахтиёр қизи

Гулистон давлат педагогика институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7586347>

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИНГ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

АННОТАЦИЯ

Ўқув жараёнида таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари қўллаш, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, масофали ўқитиш технологияларини жорий қилиш масалалари долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда таълим тизимида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бир қатор қарор ва фармонлар имзоланган, юртимиз олимлари томонидан ҳам таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Мақолада ўқув жараёнида электрон таълимдан фойдаланишнинг ўрни, аҳамияти, имкониятлари ва афзалликлари ҳақида фикр мулоҳазалар баён этилиб, хулосалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари, таълим тизими, электрон таълим, электрон ресурс, ўқув жараёни, масофали ўқитиш, автоматлаштириш, дарс жараёни

АННОТАЦИЯ

Применение современных форм и методов обучения, эффективное использование информационных технологий, внедрение дистанционных технологий обучения являются одной из актуальных проблем. В нашей стране подписан ряд постановлений и указов о внедрении информационно-коммуникационных технологий в систему образования, проведена научно-исследовательская работа по внедрению информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс учеными нашей страны. В статье рассматриваются роль, значение, возможности и преимущества использования электронного обучения в образовательном процессе и делаются выводы.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, образовательная система, электронное образование, электронный ресурс, образовательный процесс, дистанционное обучение, автоматизация, учебный процесс.

ANNOTATION

The use of modern forms and methods of teaching, the effective use of information technology, the introduction of distance learning technologies are one of the urgent problems. A number of resolutions and decrees on the introduction of information and communication technologies into the education system have been signed in our country, and research work has been carried out on the introduction of information and communication technologies into the educational process by scientists of our country. The article discusses the role, significance, possibilities and advantages of using e-learning in the educational process and draws conclusions.

Key words: information and communication technologies, educational system, e-education, electronic resource, educational process, distance learning, automation, educational process.

XXI аср таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш этакчи ўринни эгаллайди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини миллий иқтисодий тимизнинг барча тармоқ ва соҳаларига кенг ва жадал кириб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратмоқда. «Ахборотлашган иқтисодий», «Электрон ҳукумат», «Электрон бошқарув», «Масофавий таълим», «Очиқ таълим», «Электрон таълим» каби тушунчалар ҳаётимизга кенг кириб келди. Шуни эътиборга олиб, бугунги кун таълим тизимининг энг асосий вазифаларига турли фан соҳасини ўз ичига олган маълумотлар базасини яратиш таълим соҳасига ҳам ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимига татбиқ этилиши таълимда ноанъанавий ўқитиш жараёнини юзага келтиради, бунда талаба-ёшларнинг ўзи таълим жараёнининг боришини аниқлайдиган янги жараёнига ўтишни таъминлайди. Шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот асримизда талаба-ёшларимизга билимларни қисқа фурсатда этказишда электрон таълимнинг ўрни ва аҳамияти бикёсдир [1].

Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, ўқитишнинг электрон воситалари соҳасидаги илмий тадқиқотлар 30 йилдан кўпроқ тарихга эга. Бу давр мобайнида АҚШ, Канада, Англия, Франция, Япония ва бошқа бир қатор давлатларда ахборот-коммуникация воситаларининг турли имкониятларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқув компьютер тизимлари ишлаб чиқилган. Дастлабки электрон ахборот-таълим ресурслари мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни мустақил олиб борувчи йирик саноат корхоналарида, ҳарбий ва фуқаролик ташкилотларида қўлланилиб келинган. Хорижий давлатларда услубий ва ахборот-дастури воситаларни ишлаб чиқиш учун юқори малакали психологлар, педагоглар, компьютер дизайнерлари ва бошқа мутахассислар жалб этилган. Этакчи корхона ва фирмалар таълим муассасаларида компьютерли ўқув–услубий тизимларни яратиш лойиҳаларини молиялаштириб бу соҳада тадқиқотлар олиб боришган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2020-йил 6-октябрдаги ПҚ-4851-сонли “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий ва ижтимоий муҳитга, хусусан, таълим тизимига кенг татбиқ этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитиш сифатини такомиллаштириш, масофали ўқитиш технологияси, электрон таълимнинг истиқболи, ривожланиш босқичлари ва унинг ўқув-методик таъминотини яратиш масалалари бўйича республикамиз олимлар томонидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Жумладан, электрон таълим жараёнини ташкил қилиш муаммолари бўйича А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимқулов, М.Лутфуллаев, Н.Муслимов, Ф.Закирова, Ж.Ҳамидов, Н.Тайлоқов, М.Мамаражабов, О.Туракулов, Д.Тоштемиров, Д.Маматов, М.Файзиева, Н.Хайтуллаева, С.Алибоев, Н.Гафурова, А.Ҳайитов, Б.Суропов, У.Юлдашев ва бошқа бир қанча олимлар тадқиқотлар олиб бориб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган [7, Б.8].

Электрон таълим ресурсларини ишга тушириш, бошқариш ва ундан фойдаланишда асосий воситалар ахборот технологиялари ва тизимлари ҳисобланиб, улар билан мулоқот қилишда қуйидагилардан кенг фойдаланилади: компьютер, принтер, сканер, вебкамера, видеокамера, мультимедиа воситалари, видеопроектор, факс модем, телефон, компьютер тармоқлари, телекоммуникация воситалари, сунъий йўлдош алоқа тизимлари, маълумотлар омбори ва уларни бошқариш тизимлари, сунъий интеллект тизимлари, интернет, электрон почта, телеконференция, видеоконференция, чат, форумлар, ва бошқалар.

Маълумки, нафақат «Электрон таълим», «Очиқ таълим», «Масофавий таълим»да, балки анъанавий таълимни замон талаблари асосида ташкил этишда ҳам электрон таълим ресурслари муҳим рол ўйнайди. «Ресурс» ибораси ҳозирги вақтда жуда кенг маънода ишлатилади. «Таълим ресурси» деганда эса ўқув жараёни давомида билим олишда фойдаланиладиган турли хил кўриниш ва шакллардаги ўқув материаллари манбаси тушунилади. Бошқача айтганда, таълим ресурси - ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборотлар манбаси. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таълим ресурсларини қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Матн, расм, схема ва жадвалларни ўз ичига олган анъанавий нашр материаллари (дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар матни ва курси, лаборатория ва амалий машғулотлар бўйича қўлланмалар, масалалар тўплами, луғатлар, каталоглар, маълумотномалар, тарқатма материаллар, ўқув-кўргазмали материаллар, турли хил услубий қўлланма ва кўрсатмалар, савол ва топшириқлар ва бошқа).

2. Анъанавий аудио ва видео-материаллар: муסיқий ва нутқий материаллар (маърузалар ёзилган дисклар, аудиокитоблар, ўқув видеофильмлари ва бошқа), намоиш роликлари, тақдимотлар.

3. Замонавий (рақамли) электрон ресурслар: турли хил ахборот ташувчи воситалар (диск, флешка ва б.)га ёзилган файллар, замонавий электрон воситалари ёки компьютерлар ёрдамида эшитиш ва кўриш имконияти яратилган рақамли электрон материаллар.

4. Ўқиш, мустақил таълим олиш ва олинган билимларни текшириш учун махсус дастурлар: ўқув мазмуни ёритилган ва ўқувчи билан ўзаро мулоқотга йўналтирилган ҳамда маълум педагогик вазифаларни эчиш учун мўлжалланган дастурлар, дастурлар мажмуи ёки тизимлари.

Замонавий электрон ресурслар ва ўқиш, мустақил таълим олиш ва олинган билимларни текшириш учун махсус дастурлар биргаликда «Электрон таълим ресурслари» деб аталади. Электрон таълим ресурслари деганда, фойдаланувчи, яъни ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автоматик ростланиш имконини берувчи, эгалланган билимни автоматик назорат қилиш тизими билан бирлашган ўқув материалларини узатиш (этказиш) тизими тушунилади [3].

Электрон таълим ресурслари ўқувчиларга ахборотни ўқиш, маърузаларни эшитиш, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шакллари тавсия этиши мумкин.

Электрон таълим ресурслари ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириқлари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда у ўқув предметларининг асосий ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади [2].

Ўқув жараёнига мўлжалланган электрон таълим ресурслари қуйидаги имкониятларга эга бўлиши керак:

- тескари алоқани таъминлаш;
- керакли ахборотларни тез топишга ёрдам бериш;
- гиперматнли тушунтиришларга кўп марта мурожаат қилишда вақт ҳисобини эътиборга олиш;
- экранга маълумотларни чиқаришда компьютернинг мультимедиали имкониятларидан фойдаланиш;
- предметнинг ҳар бир бўлими бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос ҳолда билимларини баҳолай олиш;
- предметнинг ўқув ахборот базаларини янгилаш имкониятини яратиш.

Таълим тизимида ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилса таълим-тарбия жараёни жадаллаштирилади.

Таълим-тарбия жараёни жадаллаштиришнинг асосий омиллари қаторига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- мақсадга йўналтирилганлик;
- ўқувчиларнинг мотивациясини кучайтириш;
- таълим мазмунининг ахборотли ҳажмини кенгайтириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-амалий даражасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Электрон таълим ресурсларини ўқув жараёнида мустақил таълим машғулотларини самарали ташкил қилишда аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Электрон таълим ресурсларидаги компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услугий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот - таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унимдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат.

Компьютер ва телекоммуникация технологиялари орқали масофали ўқитиш жараёнини ташкил қилишда электрон таълим ресурслари, электрон дарсликлар ва виртуал стендларнинг яратилишига алоҳида эътибор бериш керак. Электрон таълим ресурслари ва унда жойлашган мультимедиали электрон дарсликлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш, анъанавий ўқитишга нисбатан ўзининг бир қанча афзаллик томонлари борлигини кўрсатади. Уларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ўқитувчига ўқув материалларини таълим олувчиларга этказиб беришда бирмунча энгиллаштирилиши;

- дарс жараёнида берилаётган ўқув материалларнинг такрорий ҳолда намойиш қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- таълим олувчилар ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига эришиш;

- мультимедиали электрон дарсликлар таркибида кўргазмали виртуал стендлар ташкил қилиш имконияти;

- амалий ва лаборатория машғулотларини видео, аудио ва анимацияли воситалар орқали қизиқарли ташкил қилиш имконияти;

- тавсия қилинган ўқув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни тармоқ технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта аудиторияда ва гуруҳларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

- ўқув материаллари маълумотлар базасини тезкор равишда ўзгартириб, янги ахборот захираларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;

- амалий ва лаборатория машғулотлари мобайнида маъруза материалларига ўтиш имкониятининг яратилиши;

- масофадан ўқитиш учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти;

- таълим олувчиларнинг индивидуал билимларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқалар.

Электрон таълим ресурсларидаги мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услугий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган ўқув-услугий материаллар таълим олувчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қилади. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим олувчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услугий таълим воситалари ёрдамида таълим олувчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин.

Ўқув жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш;
- таълим олишнинг янги шакллари жорий қилиш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имконияти;
- олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб қолиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.
- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ошиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;
- ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намоёни қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар [4,5,6]

“Электрон таълим” соҳасида Жанубий Корея, Буюк Британия, Дания ва Россия каби давлатлар тажрибасида ахборотлаштиришнинг асосий мақсади, биринчи навбатда, таълим сифатини оширишга, сўнг эса жараёнларни автоматлаштириш орқали олий таълим муассасаси ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятида кўп такрорланадиган вазифалар учун кетадиган вақтни тежашга қаратилган. Таълим сифатини оширишда асосий эътибор таълим контентларини яратиш ва улардан очиқ фойдаланишни ташкил этишга аҳамият берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда халқаро таълим тизимида ягона таълим стандартларини яратиш (масалан, Болоня жараёни), ўзаро тан олиш тамойили асосида ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини ошириш, юқори даражадаги касбий компетентликка эга кадрлар тайёрлаш, олий таълим тизимида барча академик даражалар ва бошқа ихтисосликларни меҳнат бозори талаблари асосида бир хил шакллантириш ҳисобига битирувчиларни муваффақиятли иш билан таъминлашни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Масофавий ва электрон таълимга эътибор ва эҳтиёж кучаймоқда. Албатта, буларнинг асосий негизида электрон таълим ресурслари муҳим рол ўйнайди. Ўқув жараёнини компьютерлаштириш, масофали ўқитишнинг асосий воситаларидан бири бўлган электрон ўқув-услугий таъминотни яратиш ва уларни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар каби республикамызда ҳам турли йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ИҚТИБОСЛАР

1. Абдуқодиров А.А., Пардаэв А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Тошкент: Фан. 2009. – 148 б.
2. Абдуқодиров А.А., Тоштемиров Д.Э. Таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси. Монография. Гулистон: Университет, 2019. – 232 б.
3. Рахимов О.Д., Электрон таълим ресурсларини яратиш талаблари ва технологиясизамонавий таълим / современное образование 2016, 2. 45-50 б).
4. Ниёзов М.Б., Исликов С.Х., Норматова М.Н. Ўқув жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг афзалликлари // POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 2(35), 2021) - Warsaw: Sp. z o.o. "iScience", 2021. Part 2, pp. 134-39)
5. Бахронович Н.М. Effectiveness of web technology teaching computer science and information technologies //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 12. – С. 435-439.
6. Бахронович Н.М., Халилович I.S. Web Texnologiyalari Va Ularning Imkoniyatlari //INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 422-426.
7. Ниёзов М.Б. TECHNOLOGIES OF ELECTRONIC INFORMATION AND EDUCATIONAL RESOURCES //"ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM. – 2021. – С. 24-26.
8. Ниёзов М.Б. Академик лицей ўқувчиларини web технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Жизза.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, I-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz